

АБДУЛҚОДИР ЖИЙЛОНИЙНИНГ “ҚАСИДАИ ҒАВСИЯ” АСАРИ Ҳ. СУЛАЙМОНОВ ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН НУСХАЛАРИ

Тошева Фотима

Шарқ мумтоз адабиёти манбашунослиги ва

матншунослиги магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22637823>

Qabul qilindi: 1-sentabr 2026-yil • Ma'qullandi: 3-sentabr 2026-yil • Nashr qilindi: 5-sentabr 2026-yil

Юртимизда Абдулқодир Жийлониёнинг ижтимоий, ахлоқий, фалсафий қарашлари акс эттирилган баъзи асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланади. Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида ушбу асарларнинг бир қисми таржима қилинди ва илм аҳли қўлига етди.

Шу уринда биз «Қасидаи ғавсия» асарининг қўлёзмалари ҳақида фикр юритсак. «Қасидаи ғавсия» асари турли даврларда кўчирилган. Улар хат турига, безак берилганлиги ва ё аксинча безаксизлигига, оддий кўринишга эга эканлигига, қоғозининг сифатига ва бугунгача қай аҳволда сақланганлигига, муқовасининг юпқа ёки қалинлигига, муқова олди ва орқасига нақшлар, муҳри бор ёки йўқлигига қараб бир-биридан фарқланади. Китоб варақлари четдаги муҳрлар эса ўша нусханинг асл соҳиблари томонидан босилган бўлиб, китоб қандай сифатда тайёрланганлигига, кўчирилганлигига ва муқоваланганлигига қараб ҳам буюртмачининг кимлигини тахмин қилиш мумкин.

Ушбу боб юзасидан олинган хулосаларга таянган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, келгусида Тошкент қўлёзма фондларида сақланаётган «Қасидаи ғавсия» асари қўлёзма нусхаларининг каталогини тузиш ва ана шу нусхалар асосида «Қасидаи ғавсия» асарининг илмий-изоҳли нашрини амалга ошириш лозим. Шунингдек, мазкур асарнинг Ҳ. Сулаймонов ҳамда Шарқшунослик фонди нусхалари асосида илмий-танқидий матнини ҳам тайёрлаш керак. Чунки хорижлик тадқиқотчиларнинг илмий ишларида юқоридаги қўлёзма фондларида сақланаётган китоблар ҳақида сўз юритилмаган. Демак, биз танишиб чиққан «Қасидаи ғавсия» асарининг қўлёзма нусхаларидан хорижлик тадқиқотчиларнинг беҳабар эканлиги маълум бўлмоқда. Шу жиҳатдан ҳам «Қасидаи ғавсия» асарининг Тошкент қўлёзма фондларида сақланаётган йигирмадан ортиқ қўлёзма нусхаларини матншунослик ва манбашунослик ҳамда адабиётшунослик фани нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш ниҳоятда муҳим, долзарб вазифалардан биридир.

Юқорида баён қилганимиз «Қасидаи ғавсия» асарининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари эди. Биз тадқиқотни енгиллаштириб олишимиз учун уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлдик. Шарқшунослик қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзма нусхалар ҳамда ЎЗР ФА Ҳ. Сулаймонов фондида сақланаётган қўлёзма нусхаларни таҳлил қилиш жараёнида шундай хулосага келдикки, Шарқшунослик қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзма нусхалари ЎЗР ФА Ҳ. Сулаймонов қўлёзмалар фондида сақланаётган қўлёзмалардан кўра қадимийроқ ва мўътабарроқдир. Фикримиз далили сифатида № 6121 инв. рақамли қўлёзма энг мўътабар нусха ҳисобланади. У ҳам Шарқшунослик қўлёзмалар фондида сақланади. Ёзма ёдгорлик матнини тиклаш эса биздан улкан тажриба талаб қилади.

Биз мазкур бобда асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари матнига доир жиҳатларни ёритишга ҳаракат қилдик. Бунда бирламчи маълумотлар билан чекландик. Асарнинг шундай

мўътабар нусхалари мавжудки, уларни олишнинг имкони бўлмади. Келгусида «Қасидаи ғавсия» асарининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари матнига доир китобларни янада кенг қўламда, чуқурроқ тадқиқ қилишни, батафсил ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилганмиз. Чунки, тадқиқотимизда баён қилинган «Қасидаи ғавсия» асарининг қўлёзмалари каталоги ва асарнинг бобларига доир фихрист маълумотлари шуни таъқозо қилади. Хатто Шайх Абдулқодир Жийлонийнинг вафотларидан бир неча йил ўтиб китобат қилинган «Қасидаи ғавсия» асарининг нодир қўлёзма нусхалари институт фондида мавжудлиги аҳамиятлидир.

1. ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов № 4002 инв. рақамли қўлёзма асар. “Ғавсул Аъзам”. Ҳажми–13х20см. Сатрлар сони–11. Умумий бет–132. Ёзилган йили – 1355-йил. Форс тилида. Хати–насталиқ. Хаттоти номаълум. Мазкур қўлёзма асар муқоваси – тўқ жигаррангда. Анъанага кўра устида учта муҳри бор. Муҳрларнинг ҳар бирида бўртма нақшлар билан безак берилган. Муқова пишиқ, четларида тўлқинсимон нақшлари бор. Муқованинг ён тарафи қалин картон билан қопланган. Картон ранги оч жигаррангда. Нусханинг орқа қисми яхши ҳолатда эмас. Қўлёзма асарнинг асосий ранги – қора. Баъзи ўринларда қизил рангдан ҳам фойдаланилган. Хаттот ёзуви чиройли. Баъзи ўринларда эса шошиб ёзилганлиги билинган. Варақлар ҳошиясида тузатишлар, қўшимча изоҳлар кўзга ташланмайди. Қоғоз сифати–яхши. Нусха вароқлари ходимлар томонидан белгилаб чиқилмаган. Чунки қўлёзма асарнинг ўзида пойгир қўйилган. Қасида “Ғавсул Аъзам” қасидаси деб берилган. Бошланмаси қизил сиёҳ билан ажратилган. Унда “Ғавсул Аъзам” қиссаси ҳам мавжуд. Ушбу қисса бир варақдан иборат. Нусхани варақлаганимизда қасида йўқ эканлигига амин бўламиз.

2. ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов № 4842 инв. рақамли қўлёзма. Мазкур қўлёзма асар ҳам “Ғавсул Аъзам” деб номланган. Ёзуви –насталиқ. Асар ўлчови 15х25 смни, сатрлар қатори 15 та, вароқлар сони – 141 тани ташкил этади. Тили – ўзбек.

3. ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов № 3890 инв. рақамли қўлёзма. “Абдулқодир Жийлонийнинг ақоидлар шарҳи” деб аталади. Ёзуви –насталиқ. Асар ўлчови 15х25,5 смни, сатрлар қатори 21 та, варақлар сони – 246 тани ташкил этади. Тили – араб. Ҳозирда ушбу қўлёзма нусха қайта тикланиш (реставрация) жараёнида.

Шу каби баъзи нусхалар сақланадики, унда «Қасидаи ғавсия» қасидаси бор ёки йўқлиги бизга номаълум. Жумладан, № 3595 инв. рақамли қўлёзма нусха. “Қасидалар”. Тили – араб. Ёзуви–насталиқ. Асар ўлчови 13,5х20 смни, сатрлар қатори 6 та, вароқлар сони – 28 тани ташкил этади.

4. ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов № 7198 инв. рақамли қўлёзма. Номи – “Қиссалар”. Ёзуви – насталиқ. Асар ўлчови 15х26 смни, варақлар сони – 144 тани ташкил этади. Тили – ўзбек.

5. ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов № 7223 инв. рақамли қўлёзма. Номи – “Қиссалар” деб номланган. Варақлар сони – 171 тани ташкил этади. Ёзуви –насталиқ. Асар ўлчови 13х19,5 смни, сатрлар сони -13 та, Тили – ўзбек.

6. ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов № 1693 инв. рақамли қўлёзма. Номи – “Қасидалар” деб номланган. Варақлар сони – 133 тани ташкил этади.

7. ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов № 2322 инв. рақамли қўлёзма. Номи – “Қасидалар”. Ёзуви – насталиқ. Асар ўлчови 15х25 смни, сатрлар сони -13 та, варақлар сони – 40 тани ташкил этади. Тили – ўзбек.

8. ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов № 1864/II инв. рақамли қўлёзма. Номи– “Қасидалар”. Варақлар сони – 102 тани ташкил этади.

9. ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов № 3195 инв. рақамли қўлёзма. Номи – “Қасида”. Ёзуви – насталиқ. Асар ўлчови 13,5х20 смни, сатрлар сони - 6 та, варақлар сони – 28 тани ташкил этади. Тили – арабча.

10. ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов № 7189 инв. рақамли қўлёзма. Номи – “Қасидалар”. Ёзуви –насталиқ. Асар ўлчови 15х26 смни, варақлар сони – 108 тани ташкил этади. Тили – ўзбекча, форсча.

11. ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов № 799 инв. рақамли қўлёзма. Асар номи “Қасидаи Ҳазрати Али”. Мазкур қўлёзма асар “Қасидаи ғавсия” деб аталмаса ҳам қўлёзма таркибида “Қасидаи ғавсия” қасидаси бор. Қўлёзма асар ҳажми 12х25 смни ташкил этади. Муқоваси тўқ жигаррангда. Китоб ҳолати қониқарли даражада эмас. Орқа муқоваси умуман йўқ. Олд муқова

қисми ҳам у қадар сифатли эмас. Аммо пишиқ ишланган. Анъанага кўра мукова устида учта муҳр бор. Муҳрлардаги нақшлар бўртма қилиб ишланган. Мукова атрофида барг шаклини эслатувчи безаклар мавжуд. Асарнинг олд қисмидаги картоннинг ранги – тўқ яшил рангда.

Асарнинг 1 а бетиданоқ басмала билан қисса, ҳикоя ва ривоятлар берилган. Мазкур қиссалар берилган вароқлар бир неча бетдан иборат. Бизнинг тадқиқот марказимизда турган “Қасидаи ғавсия” асари мазкур қўлёзма нусханинг 18 б бетидан 20 а бетигача давом этган. Қасиданинг сиёҳ ранги – қора. Матн таркибида ҳеч қанақа қизил сиёҳга кўз тушмайди. Биз кўрган ва таҳлил қилган нусхалар ичида фикри ожизимизча, энг хати хунук матндир. Қасида анъанага кўра басмала билан бошланган. Ҳар бир бетда 9 қатордан мисралар жойлаштирилган. Қасида 54 мисрадан иборат бўлиб, мисра тагида қора сиёҳ билан форсча изоҳлар берилган. Бироқ қасидадаги мазкур изоҳлар ҳар бир мисрада кўзга ташланмайди. Чунончи, қирқ тўққиз ва эллигинчи мисраларда изоҳлар ташлаб кетилган. Пойгирдан фойдаланилган. Асар хошияларида эса қолиб кетган, янглишиб ёзилган сўзлар берилган. Мазкур қўлёзма асардаги матн ҳолати ёзувлардаги ҳарфларнинг ҳар тарафга “сочишиб кетган”лиги билан изоҳланади.

ЎзР ФА Ҳ.Сулаймонов фондида сақланаётган мазкур қўлёзма асарларни излаб топиш, уларни таҳлили қилиш жараёни бироз қийин кечди. Чунки каталоглардаги мавжуд тартибсиз ҳолатлар, баъзи ўринларда асарларнинг ўрни ўзгариб қолиш ҳолатлари кўплаб учради. Шу сабабдан балки биз ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов фондида сақланаётган қўлёзма асарлар ҳақида кўпроқ маълумот бера олмадик. Баъзи ўринларда берилган асарлар номлари айнан “Қасидаи ғавсия” бўлмаса ҳам унинг таркибий қисмида қасида мавжуд. Уларни билиб олиш ва ўз вақтида англай олиш учун аввало уларни синчиклаб ўрганиш жоиз. Юқорида айтиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, фондда сақланаётган қўлёзма асарларни баҳоли қудрат таҳлили қилиш, биз мутахассисларнинг энг катта бурчимиз саналади.

Лекин Шайх Абдулқодир Жийлониининг вафотларидан бир неча йил ўтиб китобат қилинган «Қасидаи ғавсия» асарининг нодир қўлёзма нусхалари ЎзР ФА Ҳ. Сулаймонов институт фондида мавжудлиги аҳамиятлидир.